Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 14-may, seshanba № 59 (3252)

НАМУНАЛИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 23 февралдаги «Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Жиззах вилоятида Зомин тумани ушбу мақомга лойиқ топилган эди. Ўтган фурсат туман касаба уюшмаларида ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиш, фаолиятни намунали йўлга қўйишда маълум бир тажрибалар тўплаш даври бўлди.

Тажриба, ташаббус ва самарадорлик

Тумандаги бошланғич ташкилотлар базасида вилоятдаги бошқа тармоқ касаба уюшма туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар раислари ва фаоллар иштирокида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказилди. Улар фаолияти ўрганилиб, тажрибаларини кенг оммалаштириш ҳозирнинг ўзидаёқ самара бера бошлади. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ишчи гуруҳи Устав бўйича фаолиятни намунали тарзда олиб бориш учун туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларда бажарилиши лозим бўлган амалий ишлар юзасидан касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тавсияларига мувофиқ иш олиб бораяпти.

Ҳар бир ходим ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал жиҳатдан ҳимояланишида ижтимоий шериклик тамойили алоҳида аҳамият касб этаяпти.

Биргина мисол. 146 киши меҳнат қилаётган Зомин туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси томонидан ўтган йили 14 млрд. 972 млн. сўмдан зиёд ҳажмда йўл қурилиши ишлари бажарилди. Ижтимоий шериклик самараси ўлароқ, йўлсозларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, оилавий турмуш тарзи тобора юксалмоқда. Жамоа шартномаси доирасида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 1 млн. 100 мингдан ошди.

(Давоми 2-саҳифада).

«Ғамхўрликдан миннатдормиз»

Қибрай туманидаги «Умид гулшани» санаторийсида 12 май – Халқаро ҳамширалар куни ҳамда 15 май – Бутунжаҳон оила куни муносабати билан тадбир уюштирилди.

Мазкур байрамни нишонлаш 1899 йилда тузилган Хотин-қизларнинг биринчи касбий уюшмаси Халқаро ҳамширалар кенгаши томонидан қабул қилинган. Жорий йилги байрам эса «Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишда — тафовутларни бартараф этиш» шиори остида ўтказилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб, тизимда фидокорона меҳнат қилаётган ходимлар имтиёзли равишда соғликларини тиклашлари йўлида самарали иш олиб бораётир.

Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ўттиздан зиёд ҳамшира ҳамда ўнта ёш оилага соғлигини мустаҳкамлаши учун «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланмалар берилди.

— Юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида болалар ўлимининг камайиши, ОИТС касаллиги олдини олишдаги ишларнинг самарадорлигига эътибор қаратилиб, кексалар ва ёш болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда, — деди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош ҳамшираси Рихси Солиходжаева йиғилганларни касб байрами билан қутлар экан. — Албатта, бу каби ишларда сизларнинг ҳам ҳиссангиз катта.

Шундан сўнг, бир гуруҳ ҳамшираларга йўлланмалар тарқатилди. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг айримларини суҳбатга тортдик:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Умид гулшани» санаторийси маъмуриятига саломатлигимизни мустаҳкамлаш борасидаги ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирамиз, — деди Қўнғирот шаҳар туғруқ мажмуаси реанимация бўлими ҳамшираси Раъно Жуманиёзова. — Яхши дам олиб, оиламиз бағрига янгича куч ва катта иштиёқ билан қайтишимизда бу ердаги шароит ва қулайликлар муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман.

— Муҳтарам Президентимиз томонидан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши таг замирида жуда катта маъно бор. Зотан, обод турмуш обод оилалардан бошланади, — деди Хоразм воҳасидан келган Умидахон Давлетярова. — Бу ерга турмуш ўртоғим билан бирга келдик. Насиб этса, мазкур шифо масканидан ҳам руҳан, ҳам жисмонан тетик бўлиб жамоадошларимиз сафига қайтамиз.

Санаторийда дам олувчиларнинг ҳар бир куни мароқли

«ЁШ МУТАХАССИСЛАР» РЕСПУБЛИКА ФОРУМИ ОЛДИДАН

Миркамол болаликдан ҳуқуқ илмига қизиққани боис газета-журналларда чоп этилган соҳага доир мақолаларни қунт билан мутолаа қиларди. Қизиқишлари бора-бора улкан орзуга айланди. Орзуси уни Қорақалпоқ Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факултетига етаклаб келди. Тест синовларини муваффақиятли топшириб, талабага айланди. Олий даргоҳда таҳсил олар экан, ҳуқуқшунослик назариясини пухта эгаллашга ҳаракат қилди. Янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини мунтазам ўрганиб борди.

Эътибор эътирофи

2011 йилда ҳуқуқшунос дипломини қўлга олган ёш мутахассис Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлимида мутахассис сифатида иш бошлади.

— Меҳнат фаолиятимни шу даргоҳда бошлаганимдан мамнунман, — дейди Миркамол Болтаев. — Бу ерда етук ҳуқуқшунослардан кўп нарсаларни ўрганяпман. Даргоҳимизга ҳар куни ўнлаб инсонлар умид билан келади, қўнғироқ қилишади. Ҳеч бир мурожаати эътиборсиз қолдирилмайди.

Ёш мутахассис касаба уюшмалари тизимида ишловчи ҳар бир ходим ўз вазифасига масъулият билан ёндашишини, ҳамманинг ўрганишга арзигулик жиҳатлари борлигини таъкидлайди. Шунингдек, назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятидан самарали фойдаланаётганидан, нажот излаб келган кўплаб юртдошларимизга кўмаги тегаётганидан хурсандлигини айтади.

— Бўлим мудиримиз Ҳуснидин Нуруллаев ўта талабчан. Ҳар бир мурожаатни ўз вақтида рўйхатга олишимни, тегишли тартибда жавоб қайтаришимни тайинлайди. Шу билан бирга, мунтазам равишда ўз билимимни ошириб боришимни назорат қилади.

Миркамол бўлим томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам гапириб берди. Белгиланган иш режасига асосан, жойларда меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганиб бо‘рилмоқда. 2013 йилнинг биринчи чорагида 16 та ёзма мурожаат кўриб чиқилиб, 7 таси ижобий ҳал қилинди, 9 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Шу даврда 36 та оғзаки мурожаатдан 4 таси жойига чиқиб ўрганилиб, ижобий ҳал қилинди, қолган 17 тасига юридик ёрдам кўрсатилди. «Ишонч телефони» орқали қилинган 24 та мурожаат муаллифларига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жорий йил Миркамол учун омадли келди. У ўзи ишлаётган бўлимга етакчи мутахассис қилиб тайинланди. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил қилинаётган «Ёш мутахассислар» республика форумида иштирок этадиган бўлди.

— Касаба уюшмалари томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани мен каби кўплаб ёш мутахассисларни хурсанд қилмоқда. Буни жойлардаги мулоқотларда тенгқурларим мамнуният билан эътироф қилишмоқда, — дейди у. — Касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув даргоҳларининг иқтидорли талабаларига ажратилаётган стипендиялар, амалиётчи, кам таъминланган оила фарзандларига тўланаётган тўловлар, коллеж битирувчиларининг ишга жойлашиши мониторинг қилиниши, ёшлар учун яратилаётган иш ва дам олиш шароитлари... булар ҳақида ҳар қанча гапирсак кам. Биз ёшлар бунга жавобан эътиборга яраша меҳнат қилишимиз, ўз иқтидоримизни намоён этишимиз даркор.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Маҳоратли диспетчер

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасининг ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати бошлиғи лавозимида ишлаётган Руслан Рафиқов истиқболи порлоқ замондошларимиздан.

Отаси Рамил Рафиқов (раҳматли) умрининг сўнгги йилларига қадар Муборак газни қайта ишлаш заводида цех бошлиғи бўлиб ишлагани, онаси Гулия Ямкулинанинг ҳам худди шу корхонада етакчи муҳандис-технолог бўлиб ишлаётгани ёш Руслан учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтади. У ота-онаси танлаган касбнинг этагини ушлади.

Ўрта мактаб ва академик лицейни аъло баҳоларга тугатиб, Губкин номидаги Россия нефт ва газ университетига ҳужжат топширди.

2002-2007 йилларда мазкур даргоҳда таҳсил олар экан, ўз амалиётларини «Муборак газни қайта ишлаш заводи»да ўтади. Меҳнат фаолиятини технологик қурилма операторлигидан бошланди.

Йил сайин жамоа ўртасида ўзининг муносиб ўрнига, обрўсига эга бўлиб борди. 2010 йилда ишлаб чиқариш диспетчерлик хизмати бошлиғи лавозимига тайинланди.

— Ишим жуда қизиқарли, — дейди у. — Диспетчерлик хизмати ходимларининг вазифаси корхонадаги ҳар бир жараёндан хабардор бўлиб, цехлараро маълумот алмашинувини таъминлашдан иборат. Бирор кор-ҳол рўй берганда ёки қурилмаларда носозлик сезилганда ҳам бошқалар буни бизнинг хизмат бўлимимиз орқали билишади.

2012 йилда Руслан уйланди. Дарвоқе, келин бўлмиш Шаҳнозахон ҳам «Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШКнинг автоматик бошқарув тизими хизматида ЭҲМ оператори бўлиб ишлайди. Ёш оилага корхона ҳисобидан янги қурилаётган намунавий уй-жой сотиб олиши учун бошланғич бадал пули ўтказиб берилди.

— Руслан корхонамизнинг келажаги порлоқ ёшларидан, — деди касабақўм раиси Акром Ҳамроев. — Хорижий тилларни билиши, компютерда бемалол ишлай олиши, нефт-газ соҳасида яхши мутахассис бўлгани учун тенгдошларига намуна.

— Устозларим Неъмат Тўраев, Абдуғани Маҳманов, Ҳасан Иноқов, Умид Авезов, Зикрилло Муҳаммадиевдан соҳа сирларини ўрганиб келяпман, — деди Руслан. — Қувончлиси, янги цех ва блокларнинг ишга тушиши натижасида корхонамизнинг қудрати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бизни хушнуд этган жиҳат — корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимларга, хусусан, ёшларга жуда ғамхўр. Ҳеч бир мурожаат беэътибор қолмайди. Айниқса, сўнгги йилларда касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг шу корхонада амалиёт ўтаб, иқтидор эгаларининг уч томонлама шартномага асосан ишга қабул қилиниши анъана тусини олди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЯНГИЛИКЛАР ОҚИМИДАН

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши томонидан «Обод турмуш йили» дастури тадбирлари доирасида аёлларимиз манфаатларига хизмат қилувчи хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Меҳр билан олам мунаввар

Яқинда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари пойтахтимизнинг турли туманларида яшаб, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган эҳтиёжманд аёллардан ўн нафарининг хонадонларига ташриф буюриб, кундалик уй-рўзғор ишларида зарур бўлган кир ювиш машиналари тақдим этишди.

Онахонлар бундай меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эътибор учун касаба уюшмаларига самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

ЖИЗЗАХ

Меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялаш борасида ёш касаба уюшма етакчиларига зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида Машинасозлик саноати соҳалари Республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси ходимлари Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятларида бўлишди. Тармоқ тизимидаги бошланғич ташкилотлар раҳбарлари иштирокида семинарлар уюштирилди.

Етакчилар учун семинар

Хусусан, Жиззах вилоятидаги «Жиззах аккумулятор заводи» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкил этилган тадбирларда иштирокчиларга тизимдаги янги молиявий сиёсат, иш юритиш, маданий-маърифий ва спорт ишлари, жамоа шартномасини тузиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, меҳнат муҳофазаси бўйича атрофлича тушунча берилди.

Ўз мухбиримиз

ХОРАЗМ

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси томонидан «Балли, қизлар» танлови ташкил қилинди. Унда корхонага қарашли тўққизта жамоа вакиллари бўлган билимдон, зукко, топқир, моҳир ва истеъдодли қизлар ўзаро куч синашди.

Истеъдодли, билимдон, фаол

— Мақсадимиз ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, улар иқтидорини муносиб рағбатлантиришдан иборатдир, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Умрбек Маткаримов.

«Урганчтрансгаз» қизлари барча жабҳалардан хабардор эканликларини намоён этдилар. Қизғин баҳслардан сўнг, ҳакамлар ҳайъати «Тулей» УМГ вакили Сайёра Юсуповани биринчи ўринга муносиб деб топди. Ғолиб ва совриндорлар касаба уюшма қўмитасининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, шартлар орасида томошабинлар учун ҳам турли қизиқарли ўйинлар ташкил этилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Ishonch
2013-yil 14-may № 59 (3252)

ДАВРА СУҲБАТИ

Амалий руҳда

Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган инсонлар тажрибаси ёшлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятларини намунали ташкил этиш борасида ташкил этилган амалий ўқув-семинар айнан шу мақсадга хизмат қилди. Унда бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда туман кенгашларининг раислари иштирок этишди.

Дастлаб қатнашчилар фаолияти намунали йўлга қўйилган «Пахтасаноат илмий маркази» очиқ акциядорлик жамиятида бўлиб, илғор иш тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Сўнг, Тошкент Давлат ирригация ва мелиорация институти катта залида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни бирлашма кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов кириш сўзи билан очди.

ЎзКУФК матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова ҳамда бирлашма кенгашининг бўлим мудирлари Вера Шулятникова, Саидмаҳмуд Аъзамов, Равшан Маҳамадалиев, Тошкент Давлат ирригация ва мелиорация институти касаба уюшма қўмитаси раиси Алишер Тиллаев ва бошқалар туман кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Давра суҳбати, айниқса, ёшлар учун ниҳоятда фойдали кечганлиги иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Саидаваз Султонов, «Гидролойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Бошланғич ташкилотимизда 267 нафар аъзо бор. Етакчиликка сайланганимга кўп бўлгани йўқ. Давра суҳбати айнан мен кабилар учун мактаб вазифасини ўтади. Айниқса, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ҳамда спорт ишларини йўлга қўйиш борасидаги маърузалардан кўп нарса олдим.

Фазлиддин Фахриддинов, «Тошиссиқликқувват» маркази касаба уюшма ташкилоти етакчиси:

— 1300 нафар аъзони ўз сафимизга бириктирганмиз. Кези келганда, корхонамизда меҳнаткашлар учун яратилаётган айрим имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтсам. Жамоамизда меҳнат қилаётган йигит-қизлар турмуш қуришса, уларга 3 миллион сўм миқдорида фоизсиз кредит берилмоқда. Шунингдек, 3 йилдан ортиқ ишлаган ва соҳамиз бўйича олий ўқув юртига ўқишга кирган ёшларнинг шартнома пуллари корхона томонидан 100 фоиз тўлаб берилмоқда ва ўртача ойлик маоши ҳам сақлаб қолинмоқда. Улар ўқишни тугатгач, корхонамизда фаолиятини давом эттиришади.

Обод турмуш йили муносабати билан кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи ишчи-хизматчиларимизнинг уйлари корхона ҳисобидан таъмирлаб берилмоқда. Ушбу имтиёзларнинг барчаси жамоа шартномасига киритилган.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Тажриба, ташаббус ва самарадорлик

(Давоми. Бошланиши *1-саҳифада*).

— Корхонада меҳнат шароити тобора яхшиланмоқда, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Шуҳрат Мирзаев. — Учта янги, замонавий техника — эксковатор, автоюклагич, сув ташиш машиналари харид қилинди. Ишлаб чиқариш цехларида янги линиялар ўрнатилгани боис, иш унумдорлиги бир неча баробарга ортди. Шу билан бирга, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ҳолати яхшиланди. Ходимларга 77 млн. сўмлик махсус кийим-бош харид қилиниб, улар ҳаёти корхона ҳисобидан суғурталанди. Иш ҳақи ойма-ой тўлаб бориляпти. Тиббий кўрик тўлиғича корхона ҳисобидан амалга оширилмоқда. Жамоа шартномаси бандларининг тўлиқ бажарилиши юзасидан махсус комиссия фаолияти йўлга қўйилган.

Туманда 9 та коллеж, 75 та умумтаълим мактаби, 16 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Таълим ва маданият муассасаларида беш мингга яқин ходим меҳнат қилади. Улар 96 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти сафига бирлашган.

Туманнинг чекка Қангли қишлоғида жойлашган 6-умумтаълим мактабида бўлиб, бошланғич касаба уюшма фаолияти билан яқиндан танишдик. Мактаб бошланғич ташкилоти етакчиси Зулайҳо Ортиқованинг кундалик иш фаолиятида маъмурият билан яқин ҳамкорлик ижтимоий шериклик тамойили асосига қурилгани шундоққина кўриниб турарди. 56 нафар ходим локал ҳужжатлар орқали ижтимоий ҳимояланаяпти. Жамоада тўрт нафар кам таъминланган оила вакиллари, шунингдек, фарзандлари 12 ёшга тўлмаган ўн уч нафар аёл меҳнат қилади. Улар жамоа шартномаси орқали ижтимоий ҳимояга олинган. «Меҳнат муҳофазаси — касаба уюшма эътиборида» бурчагида зарур қўлланма ва кўргазмали қуроллар мавжуд бўлиб, алоҳида стенд ва буклетлар орқали касаба уюшма фаолиятидан тўлиқ бохабар бўлиш мумкин. Касаба уюшма ташкилоти хонасига келган ҳар бир ходим ўзи учун зарур ва керакли маълумотни қийинчиликсиз олиш имкониятига эга.

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигида мактаб ободончилиги, томорқадан фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар таҳсинга лойиқ. Ҳовлида 2250 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, сабзавот ва полиз экинлари яшнаб турибди. Биология фани ўқитувчиси З.Мирзабеков банкдан олган кредит ҳисобига иссиқхона даромад манбаига айланиши турган гап. Ўқувчилар мактаб ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан бепул тухум ва парҳез гўшт билан мунтазам таъминланмоқда.

Лайлакуя қишлоқларидаги 51-, 16-умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Яна бир эътиборли жиҳати, туманда тармоқ касаба уюшма фаоллари билан ҳамкорликда ҳар бир аъзонинг ҳуқуқий билим савиясини оширишга аҳамият берилмоқда. Тармоқ туман касаба уюшма кенгаши маблағи ҳисобидан ҳар бир бошланғич ташкилот етакчисининг кутубхона фонди яна бир юридик адабиёт — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг энг сўнгги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган нашри билан бойитилди.

— Бошланғич ташкилотимизни ҳар томонлама намунали қилишга интилаяпмиз, — дейди 5-умумтаълим мактаби касабақўм раиси Баҳром Номозов. — Алоҳида хона ажратилиб, компютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминландик. «Касаба уюшма бурчаги» ҳамда фаолиятимиз акс этган турли стендларни қулай жойга ўрнатганмиз.

Боғишамол қишлоғидаги 31-умумтаълим мактабига «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси», олий тоифали устоз Зулҳайдар Қурбонбоев чорак асрдан буён раҳбарлик қилиб келади.

— Ташаббускор, тадбиркор кишилар билан елкадош бўлиб ишлаш жуда марокли, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳкам Туронов. — Зулҳайдар акада ана шундай фазилатлар мужассам.

Мактаб раҳбари ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида илғор ўқитувчи ва ўқувчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида махсус стипендия жорий этилган бўлиб, ҳар чорак якунига кўра, илғор ўқитувчи юз минг, ўқувчилар эса 30-50 минг сўмдан моддий рағбатлантирилади. Ҳозиргача ўндан ортиқ ўқитувчи, юзга яқин ўқувчи стипендия соҳиби бўлишди.

Туман маркази — Зомин шаҳарчаси улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Шаҳарнинг марказий кўчаси бош лойиҳа асосида тўла қайта қурилмоқда. Маданий-маиший иншоотлар, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган турар жойлар туман маркази ҳуснига ҳусн қўшмоқда. «Ёшлар маркази», Болалар истироҳат боғи, Болалар мусиқа ва санъат мактаби, Болалар спорт мажмуаси, марказий ўйингоҳ, «Бахт уйи» сингари объектлар фойдаланишга топширилди. Зомин сой канали тўлиқ таъмирланди.

Яқинда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Зоминдаги 60-умумтаълим мактаби базасида касаба уюшмалари туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларининг Устав бўйича фаолиятларини намунали ташкил этиш юзасидан амалий ўқув-семинари ўтказилди. Иштирокчилар икки гуруҳга бўлиниб, тумандаги 16-, 31-, 60-умумтаълим мактаблари ҳамда туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ўқув-семинарни вилоят КУТБК раиси Н.Пардаев олиб борди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Р.Самарбеков туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг устувор вазифаларига эътибор қаратди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали касаба уюшмалари фаолияти етарлича ёритилмаётгани қайд этилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари ташкилий ишларни Устав талаблари асосида йўлга қўйиш, ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан жонли мисоллар орқали атрофлича тушунча беришди.

«Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Худойбердиев, Зомин туманидаги 60-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Н.Бобобекова, Ғаллаорол туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси А.Шакарбоевлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги касаба уюшма ташкилотларида тўпланган ижобий тажрибалар билан ўртоқлашди.

Иштирокчилар 60-мактаб бошланғич касаба уюшмаси фаолияти билан яқиндан танишди. Амалга оширилаётган ибратли ишлар юзасидан жонли мулоқот бўлиб ўтди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

ТАДБИР

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу жараёнда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам қатор ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. «Машҳура» ўқув марказида бўлиб ўтган тадбир бунга ёрқин мисол бўла олади.

Асл мақсад

қизларни ҳаётга тайёрлаш

Ҳамкорликда уюштирилган лойиҳа туфайли машҳурачилар сафи янада кўпайди. Республикамизнинг барча ҳудудидан таклиф этилган 20 нафар кам таъминланган оила қизлари бир ой давомида турли касб-ҳунар бўйича бепул сабоқ олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлишди. Уларнинг ўқиш давомидаги харажатлари ҳомийлар томонидан қопланадиган бўлди.

Йиғилишда Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Баситхонова иштирок этиб, бундай имтиёзга эга бўлган лобар қизларни қутлади. Улар миллатнинг давомчилари, келажак ворисларини тарбияловчи оналар эканлиги, шу жиҳатдан, билимли бўлишлари жамиятимиз, қолаверса, ўз оилаларига ҳар томонлама фойда келтиришини таъкидлади.

Шунингдек, Марказий банк вакили ўз меҳнат фаолиятларини давом эттириш орзусидаги тадбиркор қизларга ҳукуматимиз томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши ҳақида маълумот берди.

Тадбирда «Машҳура» ўқув марказининг тикувчи-дизайнер қизлари яратган либослар намойиш этилди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири.
Аҳмад ТЎРА олган сурат

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Касаба уюшмалари тизимидаги ислоҳотлар фаолият самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Татбиқ этилаётган такомиллашув қуйи ташкилотлар молиявий имкониятлари кенгайиши, аъзолар янада кенг кўламда қўллаб-қувватланишига хизмат қилаётир. Буни Навоий вилоятида фаолият юритаётган «Ғозғонмармар» акциядорлик жамияти бошланғич ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин. 170 нафар ишчи-ходимнинг севимли иш жойига айланган жамиятда ишчилар учун қулай ва муҳофазаланган меҳнат шароити яратилган.

Муҳофазаланган меҳнат шароити

Жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Абдусодиқ Муҳаммадов ҳамда маданий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Валижон Сафоев билан конларни айландик. Ноёб ҳунар сирларини ўрганишда устоз-шогирдлик йўлга қўйилган. Моҳир темирчи Ш.Ражабов, токар Т.Беков ҳамда В.Обидов, М.Хўжаев, З.Қулмуродов сингари таниқли усталарнинг ҳар қайсисига икки нафардан шогирд бириктирилган. Улар қўлида сайқал топаётган мармарларга эса талаб катта.

— Маҳсулотларимиз бошқа мамлакатларга ҳам жўнатилмоқда. Украина, Хитой ва қозоғистонлик ҳамкорлар билан янги шартномалар туздик. Бунинг учун ишчи гуруҳи тузилиб, 15 та иш ўрни барпо этилди. Ички имкониятлардан келиб чиқиб, йил охиригача яна 10 нафар ёшни иш билан таъминламоқчимиз. Жорий йилнинг дастлабки чорагида 947 м³ мармар харсанг қазиб олинди. Келгусида нафис мармардан тайёрланувчи қўшимча сувинер маҳсулотлари цехига ҳам асос солиш ниятимиз бор.

Энг муҳим жиҳат, маъмурият ва касабақўм ҳамжиҳатликда иш олиб боради. Кам таъминланган оилалар доимо эътиборда. Ҳар байрамда дастурхон ёзилиб, қувончли кунлар шукуҳи ўзаро баҳам кўрилади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

15 МАЙ — БУТУНЖАҲОН ОИЛА КУНИ

Инсоннинг илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Инсоний хулқ-атворни эса маданий, ижтимоий, шахсий ва психологик омиллар белгилаб беради. Улар, ўз навбатида, ижтимоий институтлар томонидан шакллантирилади. Бу жараёнда жамиятнинг асосий қисми сифатида оила муҳим аҳамиятга эга.

Илк тарбия маскани

Қадимдан муқаддас саналган оила ҳозирги кундаги қоришиқ маданиятлар таъсири жараёнида ўзининг жамият тараққиётидаги муҳим мавқеини шубҳа остига қўймоқда. Оиланинг мақоми «тушкун» Ғарб ҳамда тараққийпарвар, лекин «қашшоқ» Шарқ ўртасидаги мафкуравий тўқнашувлар марказида турибди. Ғарбга танқидий, аммо ҳамдардлик кўзи билан қараётган шарқликлар кўпинча, эски замонларда бўлгани каби, ўз-ўзини танқид қила олмасликдан ноқулай аҳволга тушиб қолишаяпти.

Инсон камолотида оила тарбияси алоҳида ўрин тутади. Чунки одоб-ахлоқ оилада шаклланади. Америкалик таниқли журналист ва сиёсий шарҳловчи Жозиф Бюкеннен ғарбда оиланинг боши берк кўчага кириб қолганини таъкидлаб шундай дейди: «Ҳукмронликни қўлга олган оммавий маданият кечаю кундуз азалий овропача қадриятларимизни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий ҳаётий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурларимиз устидан кулиб келди. Бугунги кунда жамиятимизда аёлни оналик вазифасидан буткул маҳрум этишга интилаётган кучлар пайдо бўлди... XX асрнинг ўрталарида олти ёшли боласи бор аёлларнинг 84 фоизи уй-рўзғор ишлари билан шуғулланган ва яна ҳомиладор бўлишга имкон топган. Бугун эса, аксинча, бундай аёллар офисларда тўлиқ иш куни тартибида ишлаб, фарзандли бўлишни ҳатто хаёлларига ҳам келтираётгани йўқ». Кўриниб турибдики, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар эр-хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оилага бўлган ижтимоийликни йўққа чиқарди. Бу ҳол оиланинг ижтимоий институт сифатида емирилишига сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда ғарбда аёллар манфатини ҳимоя қилувчи феминизм ҳаракати кенг қулоч ёзди. Аксарият феминистлар оилага ўз аҳамиятини йўқотган институт сифатида қарамоқдалар. Масалан, феминист аёллардан бири Ш. Кронин қуйидагича фикрни таъкидлаб ўтди: «Никоҳ — бу қулликнинг бир шаклидир». Бу «буюк» фикрга Шарқ нуқтаи назаридан боқсак, нақадар маънавий тубанлик эканлигини кўрамиз. Бу у яшаётган жамиятдаги ахлоқий нормаларнинг заифлигидан далолат беради. Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида ғарб донишмандларидан бири Ж.Ж.Руссо қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: «Аёл ҳақиқий она бўлиши, уй-рўзғор ишларини тўкис бажарувчи, оилада соғлом муҳит яратиш, эрига ёқимтой, унинг фойдали ишларига ҳисса қўшадиган, турмуш ўртоғининг камчиликларини тузатиб, унинг обрўси учун курашувчи бўлиши керак. Шу билан бирга, кечиримли, кишилар қалбига йўл топа оладиган, меҳмонни иззат-икром билан кутиб олиб, ҳурмат билан кузатиб қўядиган уй бекаси бўлишини истайди». У болани оилада тарбиялаш масаласига ҳам катта эътибор қаратган маърифатпарвар эди. Аммо бугунги кунда «оммавий маданият» таъсирида ахлоқий қадриятлар нотўғри талқин қилиниб, оиланинг мўътабарлигини тушунишда муаммоларга дуч келинмоқда. Ғарбда маънавий дунёқарашнинг таназзули натижасида инсон ўзининг кичик «ватан»идан бегоналашаётир. Аксарият турар жойлар уйдан кўра, уйқухонага ўхшаб кўринади. Ота-оналарнинг «меҳрли даҳиқалари» тобора камайиб бораётганлиги болаларда оилага нисбатан муносабатни тамомила бошқа томонга ўзгартирмоқда. Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлган бир статистик маълумотда ёзилишича, қамоққа олинганлардан 50 фоизининг ота-онаси ажрашган экан. Бу жамиятда оиланинг нақадар муҳим ва беқиёс ўрин тутишига далолат эмасми?.

Ўзбекистон шароитида халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадлари, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришда оила муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда ахлоқсизликни маданият белгиси деб билиш ёки асл маънавий қадриятларни менсимаслик каби ҳолатлар ижтимоий тараққиётга, инсон ҳаёти ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда. Бундай салбий ҳолатларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини барчамиз англаб олмоғимиз даркор. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек, айниқса, ўзбекчиликда оила, насл-насаб, маҳалла, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оқлайди.

Шахс маънавияти, дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар асосан оилада шаклланади. Шу маънода, оила — ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила бағрида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади. Оила, унинг асрлар оша сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг остонадан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Асрор РАҲИМОВ,
ЎзМУ магистранти

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санатор-курортлар бошқармаси тасарруфидаги «Турон» санаторийсида дам олдим.

Мамнуният

Дам олиш хоналаридаги шароит, хизмат кўрсатувчи ходимлар, шифокор ва ҳамшираларнинг хуш муомаласи-ю, билимдонлиги таҳсинга лойиқ.

Муолажа хоналарида навбат кутиб қолмаслик, айниқса, бизга маълум бўлди. Маскандаги бундай тартиб-интизом фаолият қатъий режа асосида олиб борилаётганидан далолатдир.

Маданий тадбирлар ҳам кўнгилдагидек ташкил этилмоқда. Санаторий Маданият саройида ҳар куни таниқли санъаткорларнинг концерт дастури уюштирилади.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Сиҳатгоҳда дам олувчиларга мамлакатимиз касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёни, фаолиятдаги энг сўнгги янгиликлар ҳақида ҳам тушунча бериб борилса, нур устига нур бўларди.

Ҳ. МУҚУМОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгиобод туман кенгаши раиси

Излаган имкон топади

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. Яқинда марғилонлик ёш тадбиркор Эркинжон Орипов саъй-ҳаракати билан «Фарғона-Қўқон» автомагистрал йўли ёқасида қаровсиз ётган уч қаватли бино таъмирланиб, «Асру Руд Бисёр» ширинликлар ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилинди.

350 минг АҚШ доллари эвазига Хитойдан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. 20 нафардан зиёд маҳаллий хотин-қиз иш билан таъминланган мазкур корхонада хорижнинг илғор технологиялари ёрдамида ҳар куни «Бисёр» печеньеси, «Лаззат» вафлиси каби ўн турли бир тоннадан ортиқ ширинликлар ишлаб чиқарилиб, савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Яқин кунларда корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилиши режалаштирилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш уч-тўрт баробар ортиб, ишчи кучи ўттиз кишига етиши кутилаяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Фаровонлик манбаи

Бизнинг туманимизда 8 та қишлоқ ва 6 та шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини 29 минг 865 та хонадонни бирлаштирган. Мазкур хонадонлардаги экин экиладиган томорқа ер майдони эса 4 минг 482 гектардан иборат. «Аҳоли шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш, уларга талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш ва тизимли ишларни ташкил этиш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ҳудудий маҳалла, хонадонлари кесимида мева-сабзавот, картошка, узум, полиз маҳсулотларига бўлган талабни ички имкониятлар ҳисобидан қондириш, ички бозорни қишлоқ хўжалиги истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш орқали нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида аҳоли эҳтиёжи ўрганиб чиқилди. Шунингдек, тажрибали мутахассислар таркибида «Маслаҳат гуруҳлари» ташкил этилди. Гуруҳлар, жадвал асосида томорқасига экин экилмаган, ағдарилмаган, қишлоқ хўжалиги бўйича уқуви бўлмаган оилалар орасида намунали томорқаси бўлган хонадонларда семинарлар ўтказмоқда.

Кам таъминланган оилалар ёки меҳнат қобилияти етмайдиган хонадонларга кўмаклашиш мақсадида 63 та «Меҳнат отрядлари» ташкил этилди. Шунингдек, жойларга сифатли ва арзон уруғ, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, меҳнат қуролларини етказиб бериш мақсадида 5 та махсус машина жадвал асосида МФЙ ва қишлоқларга бириктирилиб сотувлар ташкил этилаяпти.

Ҳар куни иккита МФЙ кесимида аҳоли хонадонлари қайтадан ўрганилиб, бириктирилган вакилларнинг жойларда ишни ташкил этиши назорат қилиб борилаётир. Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар оила фаровонлиги ва турмуш ободлигини, қолаверса, Давлат дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Акбар АБДУСАИДОВ,
Жомбой тумани

Эъзоз

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани «Бободеҳқон» маҳаллосидаги «Азиза» тўйхонасида уюштирилган тадбирга 58 маҳалладан юздан зиёд уруш қатнашчиси, уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар, нуроний отахон ҳамда онахонлар таклиф этилди.

Уруш қатнашчилари, эъзозга лойиқ меҳнат фахрийларини маҳалла оқсоқоллари, туман раҳбарлари ва мактаб ўқувчилари тантанали равишда кутиб олишди.

Туман ҳокими Шавкат Азимжонов Ватан озодлиги ва шаъну шарафини ҳимоя қилган фахрийларни байрам билан қутлади. Тадбирда шаҳар ва Республика «Нуроний» жамғармаси вакиллари ҳам иштирок этди.

Адҳам ДАМИНОВ

Тарихдан яхши маълумки, устоз-шогирдлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, касб-кор давомчиларини тайёрлашда бу услуб ишончли саналган. Чунки наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, дўппичилик, гиламдўзлик, зардўзлик, кулолчилик, каштачилик, бичиш-тикиш каби кўпгина халқ амалий таълими ҳунарларнинг сирларини ўрганиш шогирдликдан бошланган.

Ишончли услуб

Ҳозирда буларнинг тури янада кўпаймоқда. Яъни, рангли қоғозлар, барг, уруғ, сомон, похол, ип, сим, газламалардан ғоятда нафис ва ҳайратланарли ишланмалар тайёрланаётир.

Шунинг учун муассасамиз бошланғич касаба уюшма ташкилоти иш режасида ҳам, ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларда ҳам синалган услубга кўпроқ эътибор қаратаяпмиз. Муҳими, йигит-қизларимиз ўзлари хоҳлаган касб-ҳунар йўналишлари бўйича коллежларда етарли даражада малака ҳосил қилишсин.

Ихтиёр АРИПОВ,
Навоий вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти ўқитувчиси

Оилавий корхона:

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР

? Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топамиз. Яқинда фаолиятимизни кенгайтириб, оилавий корхонага асос солмоқчи эдик. Бунинг учун юридик шахс ташкил қилишимиз шартми? Шу пайтгача юридик шахс сифатида фаолият кўрсатмаган эдик-ку?

Шохруҳ БОЗОРОВ

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 4-моддасига асосан, оилавий корхона фаолиятини фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин.

? Бир неча авлоддан бери гиламдўзлик билан шуғулланиб келамиз. Болаларимнинг барчасини олий маълумотли қилган бўлсам-да, ҳозирги кунда ҳам бу фаолиятни биргаликда давом эттирмоқдамиз, хорижга маҳсулот чиқариш арафасидамиз. Қизларимдан бирининг мутахассислиги ҳуқуқшунос. Давлат ташкилотига рахбарлик қилади. «Вақтинг бўлганда, корхонамизнинг ҳуқуқий масалалари билан шуғулл ан, сени ҳам шу орқали иштирокчи қилиб олардим», десам, рад этди. Айтишича, қонунда бунга рухсат йўқ экан. Ҳақиқатдан шундайми ёки уни ҳам бошқа фарзандларим қатори оилавий корхона иштирокчиси қилиб олишим мумкинми?

Хадича ЙЎЛДОШЕВА

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Аммо давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

Саволларга Юнусобод тумани 6-ДНИ нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ жавоб берди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят Бошқармасининг 2013 йил 13 февраль 02/20-13-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳар, «Т.Мирзаев» кўчаси, 120-«А»уйда сақланаётган, DAEWOO TICO русумли, д/р 75/ 239 ААА бўлган, 2000 й и/ч автомашина.Б/ б 5 042 135 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 14 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2013 йил 14 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 24 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 14 июн учун, 2013 12 июн ва 2013 йил 24 июн куни учун, 2013 йил 21 июн куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома

«Navoiy mulk markazi» МСНЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, «Навоий нефт базаси» УК Қизилтепа филиалининг 06.05.2013 йилдаги 528-сонли хатига асосан, Қизилтепа туман, Озодлик кўчаси,1-уйда сақланаётган «ВАЗ-21101-125-51» русумли, 2007 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 797 ЕАА бўлган техник носоз автотранспорт қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 134 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 17 июн куни соат 15:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 14 май куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 17 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 27 июн куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2013 йил 25 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 5 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий филиалидаги: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: (8-436) 224-64-31. **Гувоҳнома № 1605**

«Tashkent Realtor Servise» масъулияти чекланган жамияти

ТТМЗ Мева-Сабзавот« МЧЖ аукцион комиссиясининг 13.05.2013 йилдаги №02 сонли йиғилиш қарорига асосан белгиланган такрорий савдо кунига қадар бирорта ҳам талабгорлардан буюртманомалар тушмаганлиги сабабли Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, Ўразов кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган бошланғич баҳоси 779 915 365 сўм бўлган ТТМЗ «Мева-Сабзавот» МЧЖ мулкий мажмуаси сотилиши бўйича такрорий очиқ аукцион савдоси 2013 йилнинг 23 май куни 15:00 га кўчирилганлигини ва ушбу объект учун буюртманомалар 22.05.2013 йил соат 18:00 гача қабул қилинишини маълум қилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservis@mail.ru 147-40-00, 232-10-78 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR-№0008.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур (Октябр) тумани Фаол кўчаси, Мерлекинский (тор кўчаси) 15-уйга фуқаро Фарида Юсупова номига берилган уй-жойга эгалик қилиш тўғрисидаги ҳужжат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташаббускорлик касаба уюшма етакчисидан талаб қилинадиган асосий фазилат ҳисобланади. Шу хислатни ўзида шакллантирган фаоллар доимий равишда ўз устида ишлаб, ҳар соҳада етакчи бўлишга эриша олади. Аъзолар сафини кенгайтириш ҳам бу борадаги муҳим масалалардан.

Сафимиз кенгаймоқда

Ўтган йили аъзоларимиз сони 703 нафардан иборат эди. Айни кунларда нодавлат секторни қамраб олиш борасидаги ишлар натижасида, бу кўрсаткич 1100 нафарга етди. Яқинда «Бешкапа ҳайвон бозори», «Чортоқ Дайхан Текстил» қўшма корхонаси каби ташкилотлар соҳа хизматига олиниб, аъзолар сони 51 нафарга ошди. Бу бизга нисбатан ишонч, шу билан бирга, елкамиздаги масъулият демакдир.

Раъно МАМАЖОНОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Чортоқ туман кенгаши раиси

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида замонавий ва сифатли қурилиш материалларига бўлган талаб тобора ошаётир. Шу боис бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Бухоро вилояти Ромитан туманидаги «Беҳдил» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан.



2010 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган корхона ички бозорга деворбоп қурилиш материаллари, йўлаклар учун плиткалар ва декоратив брусчаткалар сингари ўндан ошиқ турда маҳсулотлар етказиб бераётир. Бу ерда йигирмага яқин киши доимий иш билан таъминланган.

Суратда: «Беҳдил» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Ойбек Узоқов.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Каттақўл массиви Сурхон воҳасининг бепоён кенгликларидан иборат бўлиб, асосан қум ва ярим қум барханларидан ташкил топган. Шу боис, баъзида қаттиқ шамол туфайли тонна-тонна қумлар учиб келиб, атроф-муҳитга зарар етади. Бундан қирқ йиллар муқаддам микроклиматни яратиш ва сақлаш мақсадида бу ерларга саксовул, черкез ўсимликлари экила бошланганди. Дастлаб бу кенгликларнинг умумий майдони 30 минг гектарни ташкил этган бўлса, ер ўзлаштиришлар туфайли қумликнинг бир қисми қишлоқ хўжалик ҳисобига киритилиб, ҳозирда 14 минг гектари сақланиб турибди. Шунинг 5700 гектари саксовул ва черкез ўсимликлари билан қопланган. Каттақум кенгликларидаги 5700 гектар саксовулзорларнинг 2200 гектари Термиз тумани ҳудудига тўғри келади.

Ўн мири зиён

— Саксовул, черкез ўсимлигининг соғлигимизга, табиатга, жамиятга фойдаси кўп, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини назорат ва муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Р.Қодиров. — Ўрмончиларнинг заҳматли меҳнати туфайли ҳар йили қумликларнинг 50-100 гектарига бу ўсимликнинг уруғи ва кўчати экилмоқда. Улар 6-7 йилда улғаяди. Лекин, минг афсуски, сабр-қаноатни йўқотган баъзи табиат «кушандалари» уларни кесиб, ўтин сифатида ишлатишдан тап тортмаяпти.

Дарвоқе, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳуқуқшунос маслаҳатчиси Мансур Бегимқулов маълумотларига кўра, ўтган йилда қўмита мутахассислари томонидан уюштирилган рейд натижасида 20 нафардан зиёд қонунбузар шахслар жаримага тортилган.

— Ўтган йили ўрмонбегилар томонидан ҳам 19 ҳолатда қонунбузарлар айнан саксовул ва черкезни кесиб кетаётганда қўлга олиниб, жаримага тортилган, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Баҳодир Бобомуродов. — Табиат бойликларини асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз. Акс ҳолда саксовул, черкез ва бошқа ўсимликлар камайиб, қум барханлари халқ хўжалиги ва атроф-муҳитга балойи-қазо бўлиб ёпирилмасин. Бас, шундай экан, бир мири фойда деб, ўн мири зиёнга тушиб юрмайлик.

Д. РУСТАМОВ,
Сурхондарё вилояти

Қатронғи

Сурхондарёлик дўстим Эштемир келин туширди. Тўйнинг эртаси куни Кўҳитанг тоғига чиқдик.

— Жўра, мен сенга қатронғи бутасини кўрсатаман. У чортангилардаги тошларни ёриб ўсади. Чортангини, биласанми ўзи?..

Чортанги даранинг берк жойи дегани. Унинг ҳамма томони ойнадай силлиқ қоятошлар билан қуршалган бўлади. Кирган киши орқасига қайтмаса олдинга йўл йўқ... Бу тошларнинг ботиқ жойларига чанг қўниб тупроққа айланади, шамоллар қанотида келган уруғлар тушади. Баҳор ёмғирларида намланган уруғлар уйғонади. Лекин саратонда чиққан гиёҳлар қуриб қолади. Аммо қатронғига гап йўқ. У тошнинг қоқ марказини ёриб ўсаверади. У шу дара устидан учиб ўтган қушлар билан келган. Унинг уруғи униб чиққач, не-не имтиҳонлардан ўтиб тураверади.

Биз чўнг қоялар қуршовида эдик. Баҳайбат харсангларни ёриб чиқиб турган қатронғи Бибизайнаб онанинг аччиқ, лекин мазмунли ҳаётини эсимга солди...

...«Меҳр кўзда» кўрсатуви бошловчисининг елкалари силкинди. Кўзларида ёш қалқиди. Шунга аминманки, бу ҳолга телекўрсатувни томоша қилаётганлар ҳам тушгани аниқ. Ахир қирқ йиллик айриликдан сўнг опа-сингилнинг учрашуви қалбларни ларзага солади-да.

— Опажон, — дерди синглиси кўзларидан севинч ёшларини оқизиб, — сизни хаёлларимда кўриб яшадим. Албатта, бир кунмас бир кун учрашувимизни билардим.

— Мен-чи, мен, — жавоб қайтарарди опаси, — шундай кунлар келишига ишонардим. «Меҳр кўзда»га хат ёзиб яхши қилибсан, ниҳоят сени топдим.

— Шунча вақт қаерларда юрдингиз?

— Бунинг тарихи узоқ...

...Бувизайнаб ўзи таълим олаётган ҳамширалар тайёрлов курси талабалари билан фронтга сафарбар этилди. Эндигина 16 баҳорни қаршилаган, болалар уйида тарбияланган ҳамшира жанг майдонида ярадор бўлган аскарларга ёрдам кўрсатиш учун ҳаракатдаги шифохонага юборилди. Улар аксарият ярадор жангчиларни уйларига кузатар, баъзи бирларини ўзлари топшириб келишарди. Навбатдаги ярадорни кўрганда у ҳайратдан лол қотди. Жангчининг бир қўли тирсагидан йўқ, иккинчи қўлининг эса панжалари кесилган. Бир оёғи тиззадан, иккинчиси тўпиғидан операция қилинган. Бинт билан ўраб ташланган гавдани шох бутоқлари кесилган дарахтга ўхшатиш мумкин эди. Ярадорни Бахмалнинг тоғли қишлоғидаги хонадонига топшириб қайтиши керак эди Бувизайнаб! Шундай бўлди ҳам. Ёрдамчиларнинг кўмагида айтган жойига олиб борди. Хонадон соҳибларидан тилхат олгач, ортга кетмоқчи бўлганида ажиб бир ҳолат юз берди. Бибизайнаб жангчининг кўзларига тикилар экан, унда миннатдорлик ҳисси билан бирга қандайдир мунгни кўрди.

— Энди мен кимга керакман, синглим, — деди ярадор. — Оёқ-қўлим бўлмаса, бировга нафим тегмаса. Яхшиси биратўла...

Бувизайнаб бу гапларга чидай олмади. У ярадорнинг мажруҳ оёқларига бош қўйиб, йиғлаб юборди. Ўзи ҳам ота-онасини йўқотган сағир экани, биттагина синглисидан мосуво бўлгани, кўрган қийинчиликлари, энди ўқиб ҳаётга жўшқин юрак билан кираман деганда уруш бошланиб қолгани... ҳамма-ҳаммаси унинг юрагидан хирқироқ бўлиб отилиб чиқарди.

— Майли, яраларингиз битиб, тузалгунингизча кетмайман. Кейин бир гап бўлар.

Бувизайнаб ярадор Абдураҳмонни тарбиялай бошлади. Панжалари йўқ қўлга қўлбола қошиқни боғлаб қўйди. Тўпиғидан кесилган оёққа усталар маҳси тикиб беришди. Тиззасидан пасти эса протез...

Ниҳоят уруш тугади. Нўшировон қишлоғига ҳам жангларда иштирок этганлар қайтишди. Энди Бувизайнаб қаёққа боради? Ўзи туғилиб ўсган Сурхоннинг олис тоғли қишлоғигами ёки ўқиган даргоҳигами? Биттагина синглиси бўлса, у ҳам йўқолган. Хат ёза-ёза жавоб ололмай силласи қуриди.

Бувизайнаб ўзи тарбиялаган ярадорга турмушга чиқди. Мулла келиб никоҳ ўқиди. Бири-биридан ширин фарзандлар туғилди.

Абдураҳмон ота саксон ёшларида оламдан ўтди. Бувизайнаб она ҳали-ҳали унинг: «Биби, сен бўлмаганингда бу кунларни кўриш менга ҳеч қачон насиб этмаган бўларди», деган сўзларини эслаб маъюс тортиб қолади.

Бувизайнаб онанинг хаёлини эшикдан кириб келган қишлоқ коллежида ўқиётган невараси бузиб юборади.

— Расм чизишдан бугун биринчиликни олдим, унда сизнинг расмингизни чизган эдим.

Бувизайнаб она расмга қаради. Ҳеч ўзини тўқсонга кирган, деб ўйламади, ўшанда. Сурхончасига кийган ипак мурсаклари, пешонасига ўраган оқ рўмоли шунчалар ярашиқлик эдики, нигоҳида меҳрибонлик, ҳаётдан мамнунлик яққол акс этарди.

Бувизайнаб она синглиси билан бордикелдини бошлаб юборди...

...Бир неча кун илгари Бувизайнаб онани кўргани борганимдаги мағрур жуссасини кўз олдимга келтирарканман, қатронғидан кўз узмасдим.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Абдурасул Расуловга укаси

Ҳамид РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ishonch
2013-yil 14-may № 59 (3252)

ҲАВАСКОРЛИК

Кейинги босқичга йўл

1-Тошкент педагогика коллежида меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида бадиий ҳаваскорликни, миллий қадриятларимизга бўлган муносабатларни ривожлантириш, юрт ободлиги ва фаровонлиги, истиқлолимизга шукроналик туйғуларини мадҳ этувчи иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳаваскор санъаткорларнинг ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Унда Чилонзор туманидаги Таълим, фан ва маданият, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги 50 нафарга яқин ҳаваскорлар анъанавий ижрочилик (қўшиқ, катта ашула), эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги, жамоа рақси ижрочилиги йўналишлари бўйича тайёрлаб келган дастурлари билан қатнашдилар.

Якуний натижага кўра, 1-Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Муқаддас Асатуллаева (анъанавий ижрочилик), 131-мактаб математика ўқитувчиси Беҳзод Муродов (эстрада қўшиқчилиги), туман ободонлаштириш бўлими ходимлари (жамоа йўналишида чолғу ижрочилиги), 201-мактаб ўқитувчиси Барно Эгамбердиева (якка рақс ижрочилиги), 534-МТМ ходимлари (жамоа рақси ижрочилиги) йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

— Ҳар бир жамоа шаҳар босқичига чиқиш учун астойдил тайёргарлик кўргани яққол кўриниб турди, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши раиси Ўлмас Қаҳҳорова. — Бу кўрик-танловнинг нуфузи ошиб бораётганлигидан далолатдир.

— Мен танловда «Сарвинозим» рақси билан қатнашдим, — дейди 201-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Барно Эгамбердиева. — Танловда кўплаб истеъдодли ҳамкасбларимнинг чиқишини кўриб завқ олдим. Бу каби танловлар биз педагог ходимларга ўз иқтидоримизни намойиш этиш учун ўзига хос имкониятдир.

— Жамоамиз билан «Хоразмча» рақсни ижро этдик, — дейди Чилонзор тумани «Бунёд» номли 534-МТМ услубчиси Мавжуда Муҳаммадхўжаева. — Юқори натижага эришганимиздан хурсандмиз.

Ғолиблар шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Жақсимурот полвон

Халқнинг ор-номуси, обрў ва нуфузи учун жон куйдирадиган, фидойи фарзандлар тарбиясида, мамлакат ҳудудларини ташқи душманлардан ҳимояловчи ватанпарвар аскарлар етиштиришда спортнинг, айниқса, унинг миллий турлари ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам улоқ, оломонпойга, кураш, тирандозлик, найзабозлик, қиличбозлик, чавгон, тош кўтариш, юк билан чопиш, сакраш, тўсиқ ошиш, қочарман, инбосди каби миллий ўйинлар Шарқ халқлари орасида қадрланади.

Шу каби спорт турлари қорақалпоқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Айниқса, улоқ, курашда иштирок этувчи паҳлавонлар ҳар бир овул, уруғ ва аймоқнинг обрўсини ҳимоя қилган, ўз элининг фахри, ифтихорига айланганлар. Эл-улус соғлиги, аҳолининг миллий, ватанпарварлик туйғулари билан боғлиқ мазкур анъаналар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Наврўз, Ҳосил байрамлари, тўй-ҳашамлар ва «Асрлар садоси» сингари мустақиллигимиз самараси бўлган замонавий тадбирларда бу хил ўйинларга алоҳида этибор берилиб, беллашувлар ташкил қилинаётгани фикримиз далилидир.

Ҳеч бир анъана ёки янгилик ўз-ўзидан эл орасида тарқалмайди. Унинг тарғиботчилари, тақдирини шу эзгу ишлар билан боғлаган фидойилари бўлади. Қорақалпоқлар бундай кишилар номларига «Ботир», «Полвон», «Устоз» каби сифатларни қўшиб гапирадилар. Одатда бу мақомга эришганлар нафақат назарий билими ва оғзаки ташвиқоти билан, балки ўзининг амалий фаолияти билан ҳам кўпчиликка ўрнак.

Биз бугун сизни қорақалпоқлар ичида «Полвонлар устози», «Жақси Полвон», «Полвон бува» номлари билан машҳур, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, миллий кураш, дзюдо ва эркин кураш бўйича спорт устаси Жақсимурот Мамбетов билан таништирмоқчимиз.

Жақсимурот оғага полвонлик бобомерос. Халқ шоири Тўлибой Қобулов таъбири билан айтганда, Ж.Мамбетовнинг «Отасин отаси Давмон дев полвон, Юз ёшда курашиб, совринлар олғон», демакки, елкаси ер искамаган паҳлавон бўлган. Томирида боболар қони қайнаб турган Жақсимурот ўқувчилик давридаёқ ўзлигини намоён қила олди. Аввал мактабларо, кейинчалик туманлараро мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Ёш полвон сифатида ном таратди.

Курашга бўлган интилиш ёш Жақсимуротни Нукусга етаклади. Ўша пайтда довруқли полвон бўлган спорт устаси Алексей Хегай қаватига кириб, у очган эркин кураш тўгарагига қатнай бошлади. Тажриба тўплаб, кураш сирларини ўрганишга киришди. Натижа ёмон бўлмади: нуфузли беллашувларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади; институтнинг жисмоний тарбия факултетига талабаликка қабул қилинди; «Спорт устасига номзод» талабларини бажарди...

Ҳарбий хизмат ва институт таҳсилидан кейин 3-сонли спорт мактабида кураш турлари бўйича ёшларга мураббийлик қилди. 1984 йилда Ж.Мамбетовни Қорақалпоқ Давлат университети жисмоний тарбия факултетига ишга таклиф қилишди. Университетдаги илмий-педагогик фаолият устоз полвоннинг шогирдлар етиштириш имкониятини янада кенгайтирди. Сирасини айтганда, бугунги кунда миллий кураш, дзюдо, самбо, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турларининг Қорақалпоғистонда оммалашуви ва обрў қозонган курашчиларнинг етишиб чиқиши бевосита Жақсимурот полвон номи билан боғлиқ. Н.Тўқлибаев, Қ.Абилов, М.Каукешов, С.Сулайманов, А.Бабажанов, Б.Жумамуратов, А.Қулманов каби донгдор спортчилар ўзларини Жақсимурот оғанинг шогирди ҳисоблайдилар.

Жақсимурот оға етмишга етиб, саксондан сакрашга чоғланаётганлигига қарамай, ҳали бардам ва тетик. Уни доимо машғулот кийимида, кўпинча шогирдлар қуршовида спортга доир у ёки бу масала юзасидан фикр алмашаётган ҳолда учратасиз. Устоз полвон маҳалладаги кўни-қўшниларни ҳам «тинч» қўймайди: саломатлик учун зарурлигини таъкидлаб, ёшу қарини чиниқишга — саҳарлаб чопиш ва кечқурунлари пиёда сайр қилишга ундайди. Муҳими, натижа накд. Устозга эргашиб, фаол турмуш тарзини танлаган ўн етти нафар қўшнининг барчаси соғу саломат; грипп, шамоллаш, аллергия каби хасталиклар уларга яқин йўламайди.

— Жорий йил Юртбошимиз ташаббуси билан Обод турмуш йили деб эълон қилинди, — деди биз билан суҳбатда Жақсимурот полвон. — Менимча, ободлик кўнгил хотиржамлиги ва саломатлик билан эгизак тушунчадир. Шундай экан, вужудимизга соғлик, қалбимизга сурур бахш этадиган спортни доимий йўлдош тутишимиз лозим.

Файзулла САЛАЕВ

ФЕСТИВАЛ

Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Наврўз садолари» миллий чолғу ансамбллари ва оркестрларининг VI республика фестивали ўтказилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Бастакорлар ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмалари, «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятларда ғолиб бўлган миллий чолғу ансамбли ва оркестри, профессионал жамоалар маҳорати кўрикдан ўтди.

Мусиқа байрами

Уч кун давомида барча бўғиндаги мусиқий таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларидан таркиб топган ижодий жамоаларнинг чиқишлари мухлислар қалбига ўзгача шукуҳ олиб кирди.

— Миллий куй-қўшиқларимиз жону дилим. Шу истак мени ўн ёшимдан мусиқа мактабига етаклади, — дейди Самарқанд туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Шаҳло Тоҳирова. — Фестивалда Одина Қаҳҳорова билан бирга «Лола рақси» ва «Дуторим» куйларини ижро этдик.

Фестивал якунида ғолиблар ва барча қатнашчилар муносиб тақдирланди.

С. АБДУРАҲМОНОВ

Устозлар ибрати

Косон туманидаги 6-умумтаълим мактабида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича ташкил этилган кўрик-танловда халқ таълими муассасаларидан келган педагоглар жамоалари бешта йўналишда ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Дутор ноласи юракларни сеҳрлаган бўлса, тордан таралган наволар кўнгилларга баҳорий кайфият улашди.

— Ғолибларни аниқлаш осон бўлмади, — деди ҳакамлар ҳайъати раиси Жамшид Қосимов. — Чунки ҳар бир ўқитувчи юрт меҳри, истиқлол шукронаси ва баҳор гўзаллиги тараннум этилган куй-қўшиқларни маҳорат билан ижро қилди.

Якка рақс ижрочилиги бўйича 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Заҳро Суюнова ғолиб чиққан бўлса, жамоа рақсида 83-мактаб педагогларининг ижро санъати биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Эстрада қўшиқчилиги бўйича Ўктам Боймуродов (75-мактаб), якка чолғу ижрочилигида Ислом Турдиқулов (98-мактаб), анъанавий ижрочилик шартида Чарос Тошпўлатова (83-мактаб) кўрик-танлов ғолиблари бўлишди.

— Мактабимизда санъат ихлосмандлари жуда кўп, — деди Чарос Тошпўлатова.

— Шу боисдан, биз кўрик-танловни катта ҳаяжон билан қарши олдик. Натижалар ҳам ёмон бўлмади. Таълим муассасамиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

— Йилдан-йилга касаба уюшма ташкилотлари фаолияти қамрови кенгайиб, меҳнаткашлар орасидаги мавқеи ҳам мустаҳкамланиб боряпти, — деди суҳбатдошларимиздан бири. — Буни бугунги тадбир мисолида ҳам кўриш мумкин.

Педагог ходимларнинг бўш вақтини спорт машғулотлари ва санъат йўналишига сафарбар этаётгани ўқувчилар учун ҳақиқий намунадир. Хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган туман спартакиадасида 600 нафар, Наврўзга бағишланган спорт мусобақаларида 1000 нафарга яқин халқ таълими ходимларининг иштирок этгани ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ОТАЛИҚДАГИ СОҲА

«Чўл суви... ширинми?»

Мирзаобод тумани аҳолиси учун сувнинг камлиги, ердаги шўрланишнинг кучлилиги бир қанча муаммолар келтириб чиқаради. Бироқ қовунларнинг зўри айнан шу ҳудудда етиштирилади. Мирзачўл қовунлари номи ва довруғи вилоят, республикадагина эмас, чет мамлакатларда ҳам машҳур. Туман аҳолиси қовун экиш ҳадисини олган. Қовуннинг эрта пишар навлари ёзнинг бошларидан оғзимизга хуштаъмлик берса, бутун қиш давомида тиликлари дастурхонимиз кўрки бўлади.

Қовуннинг навларини аҳолининг ёшу қариси яхши билади. Шундай бўлса ҳам ўз томорқасига ҳар йили қовун етиштирадиган тажрибали Абдуқодир аканинг сўзларини жон қулоғимиз билан эшитдик:

— Аслида ҳудуд кишилари қайси касб эгаси бўлишмасин, ҳаммалари томорқанинг катта қисмига қовун палагини ёздиришади. Қовуннинг ёзги навларига Оқуруғ, Қозоқуруғ, Обиноввот, Амири, Бўрикалла, Босволди киради, — дея санай кетди суҳбатдошимиз. — Одатда қовун апрел ойининг бошларида экилади. Қирқма, Қоракўл, Оқпар навлари эса қишки ҳисобланиб, май ойи охири ва июн ойининг бошларида экилади.

Суви шўр бўлган ҳудуддан шакар сувли қовун етиштириш сирини билгимиз келди. Ака кулибгина:

— Сирнинг ҳаммаси меҳнат-да, — деди. — Ерни яхши ҳайдашга алоҳида эътибор бериб, сувни кўп ушламаслик керак. Сув узоқ ушланса, ер қотиб қолади. Ёзнинг иссиқ келиши ҳам ҳосилга шира беради. 90 кун деганда меҳнатга ярашасини олаверамиз-да.

Қовуннинг эртапишар нави ҳосили йиғиб олингач, қишки навга ҳаракат бошланади. Туман аҳолисининг турмуш тутумини ибрат қилиб кўрсатса арзигулик жиҳатлари кўп. Томорқаларининг ҳар қаричига уруғ қадайди. Рўзғордаги ҳамма егулик шу томорқадан.

Яна бир гап. Аввалларги катта магистрал йўл ёқаларида олди-сотти қилинар эди. Туманнинг фарзанди Фарҳод Эрматов ана шу ноқулайликларга чек қўйди. Банкдан кредит олиш эвазига каттагина қовун бозори бунёд этди. Йўлда тўхтаб, қовун ислари анқиган бозорга кириб қучоқда қовун кўтариб чиқадиганлар орасида сиз ҳам бўлгандирсиз, эҳтимол. Бугун бозор атрофлари кенгайиб, чойхона, сартарошхона ва аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган иншоотлар бунёд этилди. Барпо этилган гузар орқали тадбиркор ҳам ўзининг турмуши ободлигига, ҳам маҳалласи ободлигига эришди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА

Бўстонлиқ туманининг сўлим Чимган гўшасида жойлашган «Аммофос-Максам» очиқ акциядорлик жамиятининг

«ЧИМГАН» болалар соғломлаштириш оромгоҳи

- йўлланмалар харид қилиш учун талабномалар қабул қилади.
- Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 3 сменада ташкил этилади.

Мавсумнинг бошланиши — 20.06.2013 й.

Манзил: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, саноат ҳудуди, «Аммофос-Максам» ОАЖ ҳудуди. Тел: +99890 983-69-64.

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 511 | 19831 nusxada bosildi | 1 345